

Узоқов Ботир

“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

Хидиров Хошим Ибодуллаевич

“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Жиззах политехника институти

**КОРРУПЦИЯНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ, МАЗМУН-МОҲИЯТИ,
УНГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

Аннотация: Мақолада жамиятимиз учун салбий иллат ҳисобланган коррупциянинг келиб чиқиш сабаблари, маъно-мазмун, юртимиз ва дунё давлатларида ушбу салбий иллатга қарши курашиш жараёнлари каби долзарб масалалари ҳақида айтиб ўтилган.

Калит сўзлар: Давлат, мустақиллик, БМТ, коррупция, маиший коррупция, оддий фуқаро, амалдор, непотизм, ҳукумат, бизнес, олий ҳукумат коррупцияси, номарказлашган (ташқи) коррупция.

Uzokov Botir

Senior teacher of the "Social Sciences" department

Khidirov Khoshim Ibodullaevich

Teacher of the "Social Sciences" department

Jizzakh Polytechnic Institute

**ORIGIN OF CORRUPTION, CONTENT-ESSENCE, KEY ISSUES
OF THE FIGHT AGAINST IT**

Annotation: The article talks about the reasons for the origin of corruption, which is considered a negative vice for our society, its meaning and content, such topical issues as the processes of combating this negative Vice in our country and the countries of the world.

Keywords: State, independence, UN, corruption, household corruption, ordinary citizen, official, nepotism, government, business, corruption of the Supreme government, decentralized (external) corruption.

Коррупция – даврлар оша ўсиб келаётган илдиз бўлиб, у ҳар хил орзу-ҳаваслар ортидан бирортаям қонунни менсимасликдир.

Томас Гоббс

Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигини қўлга киритганидан бошлаб барча соҳалар қатори жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий ҳаётида ҳам сезиларли ўзгаришларни амалга ошира бошлади. Хусусан, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими, ижтимоий ҳаёт, маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришлар алоҳида эътиборга молик.

Коррупция (лат. *corruptio* — маънавий (ахлоқий) жиҳатдан бузиш, разиллаштириш, йўлдан уриш, лат. *corruptio* — пора бериб сотиб олиш; бузилиш, ишдан чиқиш, ахлоқий (маънавий) бузилиш; чириш; сотқинлик, таназзул) - одатда мансабдор шахс томонидан унга берилган мансаб ваколатлари ва ҳуқуқлардан, шунингдек, бу билан боғлиқ расмий нуфуз мақомидан, имкониятлар ва алоқаларидан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб қонунчилик ва ахлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланишини англатадиган атама. Коррупцияни лоббизмдан фарқлай олиш лозим. Лоббида мансабдор шахс ҳам ўз хизмат ваколатларидан белгиланган гуруҳ манфаатларидаги ҳаракатлар эвазига лавозим пиллапояси бўйлаб ҳаракатланиш ёки тайинланиш имкониятини ошириш учун фойдаланади. Асосий фарқ шундаки, лоббизм учта шартга жавоб беради:

1. Мансабдор шахсга таъсир этиш жараёни рақобатли характерга эга бўлиб, барча катнашчиларга маълум бўлган қоидаларга риоя қилади.

2. Сир тутилган ёки қўшимча (иккинчи даражали) тўловлар мавжуд эмас.

3. Мижозлар ва агентлар бир-биридан шу маънода мустақилки, ҳеч қандай гуруҳ бошқа гуруҳ ишлаб топган фойдадан улуш олмайди.

Коррупция ҳолатларининг кўпайиб бориши натижасида унинг асосий турларига бўлган муносабат ҳам шаклланиб бораверади. Хусусан,

коррупция турларига қуйидагилар киради. Маиший коррупция оддий фуқаролар ва амалдорларнинг ўзаро алоқалари натижасида вужудга келади. Унинг таркибига фуқаролардан мансабдор шахс ва унинг оила аъзоларига турли совғалар ва хизматлар киради. Ушбу тоифага ошна-оғайнигарчиликлар (непотизм) ҳам киради. Ишбилармонлик коррупцияси ҳукумат ва бизнеснинг ўзаро алоқалари натижасида вужудга келади. Масалан, хўжалик низоси рўй берган ҳолатларда томонлар ўз фойдасига қарор чиқариш мақсадида судья кўмагини қўлга киритишга ҳаракат қилади.

Номарказлашган (ташқи) коррупция энг тарқалган бўлиб, бунда битимлар мансабдор шахс ва хусусий шахс ўртасида индивидуал равишда тузилади. Бироқ ички коррупция – битта ташкилот аъзолари ўртасидаги коррупция – қўшилиши унга уюшган жиноят жиҳатларини бахшида этади.

Суиистеъмол коррупция шаклларида бири (мансабдор шахс ёки шахслар гуруҳи жиноий ҳаракатларидан бири) бўлиши мумкин, лекин коррупция таърифининг бутун тўлиқлиги бу билан тугамайди.

Коррупцияни кўплаб белгилар бўйича таснифлаш мумкин:

- ўзаро алоқа қиладиган субъектлар турлари бўйича (фуқаролар ва майда хизматчилар, фирмалар ва амалдорлар, миллат ва сиёсий раҳбарият);
- фойда тури бўйича (фойда олиш ёки харажатларни камайтириш);
- йўналиш бўйича (ички ва ташқи);
- субъектларнинг ўзаро алоқа қилиш усули бўйича, марказлашув даражаси бўйича, олдиндан айтиб бериш, тизимлилик ва ҳ.к. бўйича.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, барча соҳаларда бўлганидек, ҳуқуқий таълим-тарбия, Конституция қонун ва қонунчилигимиз борасида ҳам бир қанча назарий ва амалий ишлар амалга оширилди. Президент томонидан илмий асослаб берилган тарихий тараққиёт йўлидан қадам-бақадам, босқичма-босқич, изчил илгарилаб бориш, миллий давлатчилигимиз ҳуқуқий асосларини, бошқача айтганда,

унинг замини-пойдеворини мустаҳкамлаш аҳоли ҳуқуқий билим ва маданиятини юксак даражада бўлишини тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Khidirov, K. I., & Gofurova, S. S. (2021). The United Kingdom has a special textbook for detecting facts of corruption. *Scientific progress*, 2(1), 121-124.

2. Ibodullaevich, K. K. (2022). Causes of Corruption, Socio-Political Consequences. *Vital Annex: International Journal of Novel Research in Advanced Sciences*, 1(1), 1-4.

3. Ismatovich, M. S., & Ibodullaevich, K. K. (2022). Preventing Corruption Methods and Means. *Eurasian Scientific Herald*, 8, 66-68.

4. Ibodullaevich, K. K., & Bakhromovna, T. D. The United Kingdom has a special textbook for detecting facts of corruption.

5. Botir, U., & Ibodullaevich, K. K. (2022). Causes of Corruption, Socio-Political Consequences. *Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences*, 8, 37-40.

6. Ibodullaevich, K. K. (2022, April). In the fight against justice and corruption as an effective road. In *E Conference Zone* (pp. 370-372).

7. Melikuzievich, K. P., & Ibodullaevich, K. K. (2022, March). Moral perfection-anti corruption the spiritual basis of struggle. In *E Conference Zone* (pp. 86-88).

8. Ibodullaevich, K. K., & Mahmatkobil, O. (2022, March). A just leader is the basis of society. In *E Conference Zone* (pp. 59-61).

9. Ibodullaevich, K. K., & Bahromovna, T. D. (2022). "Philosophical Paradigms in The Fight Against Corruption Today: Problems and Solutions. *Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences*, 5, 160-164.

10. Ibodullaevich, K. K., & Mahmatkobil, O. (2022). "Electronic System"-Estonia Is Among the Leaders in The Fight Against Corruption. *Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences*, 5, 152-155.

11. Tajibayev, M. A., & Axmedov, J. T. (2022). Sinergetik yondashuv-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantirishning asosiy jihatlaridan biri sifatida. *Scientific progress*, 3(3), 527-532.

12. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). The concepts of sustainability and instability in synergetics are an important principle. *Scientific progress*, 3(3), 930-933.

13. Abdurashidovich, T. M. (2022). Yoshlarda sinergetik dunyoqarashni shakllantirish omillari. *Integration of science, education and practice. scientific-methodical journal*, 3(3), 203-207.

14. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). Content of the concept of synergetics. *Scientific progress*, 3(3), 938-941.

15. Kulmatov, P. M., & Tajibaev, M. A. (2022). Synergetic as a factor for the development of modern science. *Scientific progress*, 3(3), 925-929.

16. Tajibaev, M. A., & Kholbekova, M. U. (2022). Synergetic methodology serves humanity. *Scientific progress*, 3(3), 934-937.

17. Kholbekova, M. A. T. U. (2022). Applications and developments of synergetics. *Scientific progress*, 3(3), 942-945.

18. Abdurashidovich, T. M. (2022). Sinergetika-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantiruvchi bilim sifatida. *Fan, ta'lim, madaniyat va innovatsiya*, 1(2), 69-73.

19. Azimova, S. Y., & Tojiboev, M. A. (2021). Improvement of spiritual and educational work it is our important task. *Scientific progress*, 2(5), 544-548.

20. Melikuziyevich, K. P., & Abdurashidovich, T. M. (2021). State and community management-as a priority task in the appeal. *International journal of discourse on innovation, integration and education*, 2(2), 133-136.

21. Quvanovich, R. Q. (2021). The Moral Importance of Humanity and Patriotism in Chistiya and Kubraviya. *International Journal on Orange Technologies*, 3(3), 98-103.